

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шербек Мейлижонович Ёдгоров,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
таянч докторанти, sherbek_90@mail.ru

МИСРДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ

For citation: Sherbek M. Yodgorov, IMPACT OF SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS IN EGYPT ON THE SPREAD OF RELIGIOUS EXTREMISM AND RADICALISM. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.100-107

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-13>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада асосий ижтимоий-иқтисодий муаммолар жамиятда тарангликнинг вужудга келишига, муҳолифат, айниқса, экстремистик оқимлар фаолиятининг кучайишига, радикал кайфиятдаги ёшларнинг сафи кенгайиб боришига сабаб бўлиши Миср Араб Республикаси мисолида ёритиб берилади. XX аср охири – XXI аср бошларида Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ислом муҳолифати ва ҳукумат ўртасидаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқарганлиги, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини аниқ белгилаб ололмаган ёшларнинг диний экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб, мавжуд режимга қарши қуролли ҳаракатларни амалга оширганлиги тадқиқ қилинади. Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг сабаблари ва оқибатлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: “Инфитаҳ”, “Кэмп-Дэвид” шартномаси, “Араб баҳори”, “Мусулмон биродарлар”, ижтимоий табақаланиш, иқтисодий турғунлик, камтаъминланганлик, коррупция, ишсизлик.

Шербек Мейлижонович Ёдгоров,
базовый докторант,
Ташкентский государственный
университет востоковедения,
sherbek_90@mail.ru

ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ЕГИПТА НА РАСПРОСТРАНЕНИЕ РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА И РАДИКАЛИЗМА

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются основные социально-экономические проблемы, которые приводят к напряженности в обществе, активизации деятельности оппозиционных, особенно экстремистских движений, расширению кругов радикальной молодежи на примере Арабской Республики Египет. В этом исследовании изучается, как социально-экономические

проблемы в Египте в конце двадцатого и начале двадцать первого веков привели к напряженности между исламской оппозицией и правительством, также как молодые люди, которые не могли четко определить свое место и статус в обществе, подвергались воздействию религиозных экстремистских организаций и проводили вооруженные акции против существующего режима. Анализируются причины и последствия социально-экономических проблем в Египте.

Ключевые слова: “Инфитах”, “Кэмп-Дэвидское” соглашение, “Арабская весна”, “Братья-мусульмане”, социальное расслоение, экономическая стагнация, бедность, коррупция, безработица.

Sherbek M. Yodgorov,
PhD researcher, Tashkent State
University of Oriental Studies,
sherbek_90@mail.ru

IMPACT OF SOCIO-ECONOMIC PROBLEMS IN EGYPT ON THE SPREAD OF RELIGIOUS EXTREMISM AND RADICALISM

ABSTRACT

The article highlights the main socio-economic problems that lead to tension in society, the intensification of the activities of opposition, especially extremist movements, the expansion of the audience of radical youth on the example of the Arab Republic of Egypt. This study highlights how socioeconomic problems in Egypt in the late twentieth and early twenty-first centuries led to tensions between the Islamic opposition and the government, as well as how young people who could not clearly define their place and status in society were exposed to religious extremist organizations, as a result, they carried out armed actions against the existing regime. The causes and consequences of socio-economic problems in Egypt are analyzed.

Index Terms: “Infithah”, “Camp David” Agreement, “Arab Spring”, “Muslim Brotherhood”, social stratification, economic stagnation, poverty, corruption, unemployment.

1. Долзарблиги:

Дин ниқоби остида экстремизм, радикализм, терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Дунёнинг турли бурчакларида диний экстремизм ва радикализмнинг кенг ёйилиши мамлакатлар тинчлиги, минтақалар хавфсизлигига катта раҳна солмоқда. Бундай хавф-хатарларни олдини олиш, уни озиклантираётган омилларни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш ҳар бир мамлакат учун устувор масалага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу каби хавф-хатарлар ва уларга қарши олиб борилиши лозим бўлган кураш ҳақида шундай дейди: “Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафқурасига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим” [1].

Диний экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши курашнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ибратли жиҳатларини ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мавжуд давлатларнинг барчаси учун бир хилда зарур ва фойдали. Шу маънода, араб-ислом оламида диний экстремизм ва терроризм муаммосига биринчилардан бўлиб дуч келган Мисрнинг бу борадаги узоқ йиллик тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур мақолада ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг диний экстремизм ва радикализмнинг ёйилишига таъсири Миср Араб Республикаси мисолида таҳлил қилинади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар - тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, даврий изчиллик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда ижтимоий-

иктисодий муаммоларнинг диний экстремизм ва радикализмнинг ёйилишига таъсири, аҳолининг қашшоқлашуви, ишсизлик ва бошқа жамиятдаги муаммолар экстремизм ва терроризмни озиклантирувчи ҳамда уни келтириб чиқарувчи омиллардан эканлиги Миср Араб Республикасининг замонавий тарихида содир бўлган воқеалар мисолида таҳлил қилинади.

Р.Г.Ланда, А.А.Игнатенко, М.З.Ражбадинов, Ю.Б.Щегловин, Я.Е.Камлевская, В.П.Юрченко, Б.В.Долгов, А.В.Коротаев, С.Э.Бабкин, В.Е.Донцов, Н.В.Жданов, А.В.Малашенко, С.А.Модестов, О.Г.Пересыпкин, Д.Сюкийнен, С.А.Семедов, М.С.Зинченколарнинг ишларида мусулмон дунёсида исломнинг сиёсийлашуви ва “ислом омили”нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари ички ва ташқи сиёсатига таъсири, диний экстремизм, радикализм ва терроризмнинг араб мамлакатлари хавфсизлигига таъсири масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган шарқшунос ва сиёсатшунос олимлардан А.А.Ҳасанов, А.А.Ҳайдаров, З.Мунавваров, Ш.Ёвқочев, М.М.Муҳаммадсиддиқов, С.Ғафуров, М.Ражабова, О.Юсупов, М.Нуритдинов, З.Ҳусниддинов, Ў.Ҳасанбоев, А.Тулупов, А.Абдисатторов, Ф.Каримовлар томонидан амалга оширилган ишларда араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқаро ва минтакавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўрганилган.

3.Тадқиқот натижалари:

Миср тажрибаси шуни кўрсатадики, асосий ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги, мамлакат ҳаётида амалга ошаётган мураккаб ва қарама-қарши жараёнлар – жамиятда тарангликнинг вужудга келишига, муҳолифат, айниқса, экстремистик оқимлар фаолиятининг кучайишига, радикал кайфиятдаги ёшларнинг сафи кенгайиб боришига сабаб бўлади. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш олиб боришда комплекс ва тизимли, шу жумладан, ижтимоий-иктисодий ва мафкуравий чора-тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Миср тарихини тадқиқ этарканмиз, бунга яна бир қарра амин бўламиз.

Британия ҳукмронлиги даври (1882-1952-йиллар)да Миср британиялик саноатчилари учун “пахта плантацияси” бўлиб хизмат қилган эди. Маҳаллий саноат мустамлакачилар қўлида эди, мисрлик ишчилар ҳеч қандай ҳуқуққа эмас эди. Йирик ер эгалари аҳолининг 0,5% ни ташкил этар, лекин ернинг 50% дан ортиқ қисми уларга тегишли эди. Дехқонларни ер билан бирга сотишар ва сотиб олишар эди. Саводсизлик 85% ни ташкил қилар эди [2]. Фақатгина бой кишилар олий маълумотга эга бўла олар эди. Британиялик ҳукмдорларнинг бошбошдоқлиги ва порахўрлик халқнинг диний ақидаларини поймол қилмоқда эди. Аҳоли динга эргашиш аҳволни яхшилаши, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни ҳал қилиши мумкин, деб ҳисоблар эди. 1928 йилда асос солинган “Мусулмон биродарлар” диний ташкилоти ва унинг етакчиси Ҳасан ал-Банно айнан шу ғояларни илгари сураб эди. Куч ишлатиш ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситаси сифатида қаралар эди. Дин эса муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли, деб ҳисобланар эди [3].

1952 йилда “Озод зобитлар” инқилоби Мисрда кескин ўзгаришлар олиб келди: кишлоқ хўжалиги ислоҳоти, саноатлаштириш, бепул таълим, давлат секторининг яратилиши, Сувайш каналидан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши, ишчиларга ҳуқуқ берилиши, араб бирдамлигининг мустаҳкамланиши ва ҳоказо. Жамол Абдул Носир томонидан ўтказилган ушбу ислоҳотларга қарамай, Миср жамияти янгиланмади, одамларнинг яшаш тарзи сезиларли ўзгармади, котиб қолган қарашлар сақланиб қолди. Сиёсий элитанинг бойлиги ва ҳақиқий аҳвол орасида катта жарлик ҳосил бўлди. 1967 йилги Араб-Исроил урушидаги мағлубият Миср халқи учун каттиқ зарба бўлди [4].

1970 йилда ҳукумат тепасига келган президент Анвар Садат Жамол Абдул Носир тамойилларини бекор қилишни бошлади. Иқтисодиётда давлат секторининг ўрнига “инфитаҳ” – очик эшиклар сиёсатининг олиб борилиши Миср жамиятининг табақаланишига, жамиятнинг пастки қатламлари турмуш даражасининг янада пасайишига, мисли кўрилмаган коррупциянинг кучайишига, бюрократия ва буржуа бюрократиясининг авж олишига олиб

келади [5]. Носирчилар билан курашиш, “инфитах”ни оқлаш, тузумга расмийлик тусини бериш учун Анвар Садат ислом динига мурожаат қила бошлади.

“Инфитах” даврида Мисрда инфляция йилига 40 %ни ташкил этарди, ойлик маош икки бараварга пасайиб, аҳолининг фақатгина 40-50%и ўз ишлаб чиқариши ҳисобидан озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира оларди. Ижтимоий табақаланиш мислсиз даражада ўткирлашган эди: 5% мисрликлар миллий фойданинг 25%ини ўзлаштирар, 37% аҳоли эса камбағалликнинг охириги чизигидан пастга тушиб кетган эди [6].

Иш ва яхши ҳаёт излаб 4 миллион мисрлик ватанини тарк этганди. Лекин бу ҳам аҳволни яхшиламади: хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолиси шаҳарга оқиб келишни давом эттираётган эди. Одатда, улар шаҳарда ўз ўрнини тополмай, ҳукумат тепасидагиларнинг ўғрилиги, қариндош-уруғчилиги, фирибгарлиги, текинхўрлигидан нолир эдилар. Аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашгани сари (айниқса, 1977 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши натижасида содир бўлган “нон ғалаёнлари”дан кейин) зўравонликка бўлган майллари ҳам кучайиб борарди. Миср ёшлари буларнинг барчасидан халос бўлиш йўлини илк ислом тузумига, бой мусулмонларнинг камбағал диндошларига ёрдам беришини кўзлайдиган шариат қонунчилигига қайтишда, деб билардилар.

Мисрнинг замонавий тарихини тадқиқ этиш асносида яна шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, аҳоли, асосан, ёшлар давлат бера олмайдиган ҳимоя ва ёрдамни диний тузилмалардан излаган. Масалан, диний ташкилотлар ижтимоий эҳтиёжлар хусусида қайғуришади, бу нарса улар фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланади. Исломий гуруҳлар машхурлигининг асосий сабабларидан бири ҳам уларнинг арзон ва сифатли хизмат кўрсатиши, деб айтиш мумкин. Ислом фаоллари кўп ҳолларда муқобил ижтимоий таъминот тизимини таклиф қилардилар, бу нарса эса ҳукуматни танқид қилиш имкониятини ҳам яратиб берарди. Чунки амалда кўринган устунликлари орқали улар ҳукуматнинг фуқаролар эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаслигини намоён этишга уринар эдилар [7]. Буни XX асрнинг 70-йилларида содир бўлган воқеалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Айтиш шундаки, даврда талабалар жамоаси орасида пайдо бўлган “ислом жамоатлари” (“жамаат исломия”) (XX асрнинг 70-йилларида Мисрдаги ушбу атама турли хил исломий талабалар ҳаракатларига нисбатан қўлланилган) ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали сезиларли таъсирга эга бўла бошлайди. Уларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, ўша пайтда Миср университетлари бошидан кечирган ижтимоий инқирозга “исломий ечим”ни моҳирона тарғиб қилиш билан боғлиқ эди. Бу пайтга келиб, мамлакатда талабалар сони икки баравар кўпайиб, 500 мингга етган, инфратузилманинг ривожланиши эса бу ўсишдан орқада қоларди. Натижада, билим олиш, меҳнат бозорига кириш учун умумий шароитлар ёмонлашди, ушбу ёш авлоднинг маданий эҳтиёжлари ўртасида тафовут вужудга келди - одатда бу ҳол биринчи бўлиб университетга кирган ёшлар оилаларида содир бўла бошлади. “Ислом жамоатлари” томонидан таълимнинг замонавий ва дунёвий қадриятлари шубҳа остига қўйилди: улар дунёвий қадриятларни ижтимоий ҳақиқатни акс эттирмайдиган, деб тан олди. Уни ўрнига улар дунёни тушунтиришга ва энг муҳими уни ўзгартиришга мўлжалланган “яхлит ва кенг қамровли тизим” сифатида Исломга ўз қарашларини тақдим этишди [8].

Бевосита талабалар ҳаётига келсак, “ислом жамоатлари” маиший хизмат кўрсатишни ахлоқий меъёрларни сингдириш билан моҳирона бирлаштириб, ижтимоий лойиҳани “исломий тартиб”нинг маданий талабларига бўйсундирди. Шу йўл билан улар транспортда ёки гавжум аудиторияларда эркак ва аёл аралашиб кетганлигидан нафратланидиганларга ва камтарона даромади сабабли замонавий кийина олмайдиганларга ёрдам беришга ҳаракат қилишди. Қоҳира исломий бирлашмалари саҳий ҳомийларнинг маблағлари эвазига жамоат транспорт етишмовчилигини талаба қизлар учун мўлжалланган мини-автобуслар билан қоплашди. Ушбу хизматга талаб тез суръатларда ошиб кетди ва мини-автобуслар фақатгина қизларни таший бошладилар. Шундай қилиб, автотранспорт воситаларини хусусийлаштириш ижтимоий муаммони “исломий” йўл билан ҳал қилиш учун хизмат қилди.

Ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга “исломий ечим” излаётган мисрлик ёшлар Анвар Садатнинг Исроил билан тинчлик ўрнатиш борасидаги ташқи сиёсатидан сўнг янада радикаллашдилар. 1977 йилда Анвар Садат Исроил билан тинчлик шартномасини тузиш учун Қуддусга борди, бу эса ўз навбатида унинг режими билан исломий зиёлилар ва диний буржуазия ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келди.

1978 йилда Анвар Садатнинг Исроил билан “Кэмп-Дэвид” шартномасини имзолаши Мисрни нафақат араб давлатлари ўртасида яккаланиб қолишига сабаб бўлди, балки мамлакат ичкарисида ҳам қалтис вазият юзага келишига олиб келди. Исломчилар Анвар Садатнинг бу ишини исломга хиёнат, дея баҳолашди. Миср президенти исломчилар томонидан “яхудийлар билан шармандали тинчлик”, деб баҳоланган сиёсатини шубҳа остига қўйилишига йўл қўя олмас эди. Шу сабаб, талабалар уюшмаси тарқатиб юборилди, “ислом жамоатлари” мулклари мусодара қилинди, уларнинг ёзги таътилгоҳлари полиция томонидан ёпиб ташланди. Бироқ ушбу чоралар мамлакатдаги ёшларнинг радикаллашувига тўсқинлик қилолмади. Исломий ҳаракатдан кескин радикал қатламлар чиқиб, очиқ-ойдин исломий давлат ташкил этиш ҳақида баралла гапира бошладилар. Махсус хизматлар бундай бурилишга ҳали тайёр эмасдилар [9].

1977 йилдан кейин исломий муҳолифатнинг радикаллашуви асосан “ислом жамоатлари”нинг ташкилий асосларини қайта кўриб чиқишда ўз аксини топди: эндиликда талабалар шаҳарчаларидаги даъвадлар Мисрнинг энг камбағал ҳудудларида (Қоҳира, Искандария, Мисрнинг юқори шаҳарлари - Асют ва Минеда) яширин фаолият билан алмаштирилди. Энг сиёсийлашган ёшлар “ал-Жиход” ташкилотига мансуб гуруҳларга бирлашдилар. Ташкилотнинг назариётчиси ёш электр муҳандиси Абдуссалам ал-Фарраж ва унинг шериклари ҳарбий ҳаракатларга киришдилар - 1981 йил 6 октябрда ҳарбий парад пайтида Анвар Садатга суиқасд қилдилар. Бироқ, экстремистларнинг давлат раҳбари ўлиmidан фойдаланиб, ҳокимиятни эгаллаш мақсадида ҳукуматга қарши оммавий курулли намоиш ўтказиш ва сиёсий тўнтаришни амалга ошириш бўйича уринишлари курулли кучларнинг мустаҳкам позицияда туриб, қатъий чоралар кўриши натижасида йўққа чиқарилди [10].

Анвар Садатдан кейин ҳокимият тепасига келган президент Хусни Мубарак даврида ҳам ижтимоий-иқтисодий муаммолар маҳаллий аҳолининг радикаллашувининг асосий сабабларидан бўлиб хизмат қилди. Хусусан, 1991 йил охирида мисрлик экстремистлар фаолиятида кескин кучайиш кузатилди. Муайян даражада бу Судан, Жазоир, Кувайт, Иордания, Тунисдаги маҳаллий радикаллар фаоллашувига акс-садо бўлган эди. Лекин барибир, Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги ислом муҳолифати ва ҳукумат ўртасидаги навбатдаги қарама-қаршиликлар сабабчиси бўлиб қолаверди. Ўтган асрнинг 90-йилларида МАРдаги ижтимоий ҳолатни мураккаблаштирган ва уни таназзул ҳолатига келтирган омиллар сирасига аҳоли ўртасидаги мол-мулк тенгсизлиги, ишсизлик, камбағал аҳоли ҳаётининг яна ҳам оғирлашуви, уларнинг ночорликка бўлган таъсирчанлигининг ошиши кабиларни киритиш мумкин. Миср иқтисодиётида таназзул ҳолати хомашё базасининг қашшоқлашиши, аҳоли сонининг тезлик билан ўсиши, ташқи қарздорликнинг ошиши билан боғлиқ.

Хусни Мубарак ҳукмронлиги даврида ҳам диний ташкилотлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий таъминот борасида самарали фаолият олиб боришди. Яққол мисол сифатида 1992 йил 12 октябрь санасида содир бўлган “Қоҳира зилзиласи”дан кейинги воқеаларни эслаш kifоя. 500 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган ва 50.000 кишини уй-жойсиз қолдирган “Қоҳира зилзиласи”дан сўнг, “Мусулмон биродарлар” қурбонларга ёрдам беришни ташкиллаштиришни ўз зиммаларига олдилар ва бу борада сусткашлик билан ҳаракат қилаётган давлат бюрократиясидан эпчилроқ ҳаракат қилдилар [11].

90-йиллардаги исломий жангарилар ўзларидан олдингилардан ёшроқ бўлиб, улар маълумотга эга эмасдилар, уларнинг кўпчилиги Юқори Мисрнинг қолоқ ҳудудларидан, кичик шаҳарчалардан келиб чиққан эди. Масалан, 1970 йилда ҳибсга олинган жангариларнинг ўртача ёши 27 ёшни ташкил этса, 90-йилларда 21 ёшни ташкил этди.

Олдинги ўн йиллик билан таққосланганда, экстремистлар орасида мактаб ва коллежни энди тугатганлар сони ошиб (80-йилларда 36% ва 90-йилларгача 71%), олий таълим битирувчилари сони камайган (59% дан 21% гача). Экстремистлар қаторида қашшоқ ҳудудлар аҳолиси 36% ни (илгари 16%), қишлоқ аҳолиси 18% (7%), майда ва ўрта шаҳарлар аҳолиси – 31% (43%), йирик шаҳарлар аҳолиси 15% (34%) ни ташкил қилади [12].

Таъкидлаш жоизки, Анвар Садат режимини қулатишда катта рол ўйнаган мисрлик ёшлар Ҳусни Муборакнинг 30 йиллик ҳумронлигига ниҳоя ясаган “Араб баҳори” воқеаларида ҳам сиёсий фаоллик кўрсатдилар. Жаҳон матбуоти аксарият ҳолларда, Мисрда “Араб баҳори” воқеаларининг юз беришига иқтисодий турғунлик, тенгсизлик, камтаъминланганлик, коррупция, ишсизлик, озик-овқат танқислиги муаммоси ва бошқа омиллар туфайли юзага келгани таъкидланади [13].

“Араб баҳори”дан олдин Мисрда ишсизлик даражаси 9% ни ташкил этгани ҳолда, камбағаллик ҳолати бўйича, 40% мисрликлар кунига 2 АҚШ долларида оз маблағга яшардилар. Аммо халқаро меъзонда аҳолининг кунига 1.25 АҚШ долларга яшайдиган қисми энг кам таъминланган ҳисобланади. Бу борада Миср кўрсаткичи юқори эди. Айтиш мумкинки, Ҳ.Муборак бу муаммони ҳал қилган эди [14].

Шунингдек, ижтимоий соҳадаги эришилган баъзи ижобий ютуқлар ҳам салбий роль ўйнаши мумкинлиги ўз исботини топди. Масалан, Ҳусни Муборак даврида Мисрда ўлим, айниқса, болалар ўлими кескин пасайди. Мисрда 1985-1990-йилларда туғилиш суръатларининг ортиши ва революциялар даврига келиб аҳоли демографик структурасида ёшлар улушининг кўпайиши бу оммавий ҳаракатларда ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминлади. Айтиш мумкинки, 1990 йилдан бошлаб ишсизлик даражаси ўзгармай қолган бўлса, улар орасида ёшларнинг нисбати икки баробар ортди, хусусан, 20-24 ёшликлар ва улар умумий 2.5 млн. ишсизнинг 1 млн. дан ортигини ташкил қилди. Яна бир маълумот: ишсиз ёшларнинг 43% олий маълумотликлар эди. Демак, революциянинг асосий кучини олий маълумотли ишсиз ёшлар ташкил қилган [15].

Дунёда кетаётган демократлашув ва либераллашув жараёнларини кузатган Миср ёшларида ўз атроф-муҳитидан норозилик вужудга келди. Мамлакатда янги инфорацион ва коммуникацион технологиялар кенг омма томонидан фойдаланишнинг бошланиши бу тармоқнинг ҳокимият назоратидан чиқиб кетишига олиб келди. Youtube ва Facebook сайтларида мисрлик ёшлар мамлакат сиёсий келажагига бефарқ бўлмаслик ва янги ҳокимият шаклланишида актив иштирок этишга чиқардилар [16]. “Мусулмон биродарлар” ёшлар қанотининг уюшган ташкиллаштирувлари орқали амалга ошди. Мисрда бўлиб ўтган революциянинг биринчи кунларидан бошлаб унинг яқин келажакдаги сиёсий истиқболи аён бўла бошлади, яъни ҳокимиятга “Мусулмон биродарлар”нинг тўғридан-тўғри даъволари мавжуд эди. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, дунёвий режимдаги 30 йиллик Муборак режими кулаб ўрнига фундаменталистик қарашли “Мусулмон биродарлар” ҳокимият тепасига келди.

4. Хулосалар:

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, экстремистик ва террорчи ташкилотлар аъзоларининг мутлақ кўпчилигини жамиятдаги ўрнини аниқлаб белгилаб ололмаган 16-30 яшар ёшлар ташкил қилмоқда. Шунинг учун ҳам, дунёнинг деярли барча мамлакатларида аҳолининг қашшоқлашувига экстремизм ва терроризмни озиклантирувчи омиллардан бири сифатида қаралмоқда, уни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Экстремистик ғоялар ёйилишининг олдини олишга қаратилган махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, Миср ҳукумати ва раҳбарияти ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлигини пасайтиришга ва 70 фоизи қашшоқликда яшаётган аҳолининг аҳолини яхшилашга қаратилган бир қатор дастурлар ва тадбирларни амалга оширмоқда.

Миср мисолида кўриш мумкинки, аҳоли ўртасидаги мол-мулк тенгсизлиги, ишсизлик, камбағал аҳоли ҳаётининг яна ҳам оғирлашуви каби омиллар исломпарастлар фаолиятини кучайтирган ҳамда ижтимоий ҳолатни мураккаблаштириб, уни таназзул ҳолатига келтирган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

- [1] Мирзиёев Ш.М. Тинчлик жараёни, хавсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик// Афғонистон бўйича халқаро конференцияда нутқи. // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?SECTION_ID=221&ELEMENT_ID=53959. (Mirziyoyev Sh.M. Speech at the International Conference on Afghanistan: Peace Process, Security Cooperation, and Regional Connectivity).
- [2] Islam in the Modern World. Tradition, Revolution and Culture by Hassan Hanafi. – Dar Kebaa Bookshop, 2000. -P. 22.
- [3] Brynjar Lia. The Society of the Muslim Brothers in Egypt. The Rise of an Islamic Mass Movement 1928–1948. ITHACA PRESS, 1998. –P. 39.
- [4] Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый). М., 2003. –С. 57. (Kamlevskaya Y.E. The fight against terrorism in Egypt at the turn of the XX-XXI centuries. Middle East and Modernity. Collection of articles (nineteenth edition). М., 2003. -P. 57.)
- [5] Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. М., 2005. –С. 104-105. (Landa R.G. Political Islam - preliminary results. М., 2005. –P. 104-105.)
- [6] Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. М., 2005. –С.107. (Landa R.G. Political Islam - preliminary results. М., 2005. –P. 107.)
- [7] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). М., 2003. –С. 252-253. (Yurchenko V.P. Egypt national security problems (1952-2002). М., 2003. -P. 252-253).
- [8] Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма / Пер. с фр. В.Ф. Денисова. –М.: Ладомир, 2004. – С. 80. (Kepel J. Jihad: Expansion and Decline of Islamism. –М.: Ladomir, 2004 . -P. 80).
- [9] Щегловин Ю.Б. Размышления о борьбе с терроризмом. –М., 2015. – С. 169. (Shcheglovina Y.B. Reflections on the fight against terrorism. –М., 2015. - P. 169).
- [10] Юрченко В.П. Армия и власть в Египте. Армия и власть на Ближнем Востоке: От авторитаризма к демократии (сборник статей). // Ин.-т изуч. Израиля и Бл. Востока, М.: 2002. – С. 12. (Yurchenko V.P. Army and Power in Egypt. Army and Power in the Middle East: From Authoritarianism to Democracy (collection of articles). // Institute of studies. Israel and the Middle East, Moscow: 2002. -P. 12).
- [11] Кепель Ж. Джихад: Экспансия и закат исламизма / Пер. с фр. В.Ф. Денисова. М: Ладомир, 2004. – С. 267. (Kepel J. Jihad: Expansion and Decline of Islamism. –М.: Ladomir, 2004 . -P. 267).
- [12] Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). М., 2003. –С. 256. (Yurchenko V.P. Egypt national security problems (1952-2002). М., 2003. -P. 256).
- [13] Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири: сиё. фан. док. (DSc) дисс. –Тошкент, ТДШИ, 2018. –Б. 158. (Muhammadsidiqov M.M. The politicization of religion in African Arab states and its impact on political processes. –Т., TSIOS, 2018. –P. 158).
- [14] Коротаев А.В., Зинькина Ю.В. Египетская революция 2011г. Структурно-демографический анализ. «Полис». Экстрате́кт. 2011. Выпуск 1. (Korotayev A.V., Zinkina Y.V. Egyptian Revolution 2011: Structural and demographic analysis. "Policy". Extract. 2011. Issue 1).
- [15] Ҳасанов А. Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТошДШИ, 2015. - Б. 10-11. (Hasanov A. The rise and fall of the Muslim Brotherhood in Egypt // Historical processes in the countries of the Far East and the current problems of their study. Proceedings of the scientific-practical conference. - Т.: TSIOS, 2015. - P. 10-11).

- [16] Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири: сиё. фан. док. (DSc) дисс. –Тошкент, ТДШИ, 2018. –Б. 159. ((Muhammadsidiqov M.M. The politicization of religion in African Arab states and its impact on political processes. –T., TSIOS, 2018. –P. 159).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000